



ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*

к договору (контракту) от 07.01.2022 г. № № 06

между Жиззах вилоят "Тоза худуд" ДУК и Жиззах шаҳар ХТБ на общую сумму 46918620,00

Глава

075

Казначейский лицевой счёт

100022860084017092100075036

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4225000			
Январь	23 734 620,00			23 734 620,00
Февраль	11 592 000,00			11 592 000,00
Март	11 592 000,00			11 592 000,00
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Всего за год	46 918 620,00			46 918 620,00

Всего 46918620,00 сум

Сорок шесть миллионов девятьсот восемнадцать тысяч шестьсот двадцать сум 00 тийин
сумма прописью

Из вышеуказанной суммы _____ сум или _____% *** от общей суммы договора подлежат предоплате в Январь мес. 2022 г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный _____% , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика



(Handwritten signature)
(подпись)

Камилов Б.А.

Ф.И.О.

М.П.

Главный бухгалтер заказчика

(Handwritten signature)
(подпись)

Юсупов Л.А.

Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения

(подпись)

Получил работник заказчика

(Handwritten signature)
(подпись)

« ___ » _____ 2022 г.

« ___ » _____ 2022 г.

Бюджет ташкилотлар учун қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатиш бўйича ШАРТНОМА № 06

2022 йил “7” январь

Жиззах шаҳри

Жиззах вилояти “Тоза ҳудуд” ДУК Жиззах шаҳар филиали, бундан буён матнда “Ижрочи” деб аталувчи номидан, Низом асосида фаолият юритувчи раҳбар М.Умаралиев бир томондан, Жиззах шаҳар халқ таълими бўлими бундан буён матнда “Буюртмачи” деб аталувчи номидан, Устав (Низом) асосида фаолият юритувчи раҳбар Б.А.Камилов томондан ушбу шартномани куйидаги мақсадларда туздилар,

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. Мазкур шартномага биноан Ижрочи билан Буюртмачи ўртасида қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматлари бўйича (ҚМЧ) тўғридан тўғри хўжалик алоқа ўрнатилади.

Буюртмачи топширади, Ижрочи эса шартномада кўрсатилган ҳақ эвазига Буюртмачи томонидан махсус белгиланган Жиззах вилояти манзилда жойлашган (ЧЙМ) чиқинди йиғиш майдончаси (ҚМЧ) қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматларини бажаришни ўз зиммасига олади.

1.2. ҚМЧни тўпланиши бир ойга 323,8 м3, бир йилга 971,4 м3 ташкил этади.

2. КўРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР УЧУН ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ

2.1. Ушбу шартномани имзолаш пайтидаги амалдаги нарх ҳар бир м3 ҚМЧни ташиб кетиш учун 42 000 сўм, ҚҚС билан 48 300 сўмни ташкил этади. алоҳида тўлов амалга оширилади.

2.2. Шартнома бўйича бир йиллик кўзда тутилган тўловнинг умумий қиймати **46 918 620 (Қирқ олти миллион тўққиз юз ўн саккиз минг олти юз йигирма) сўм** ташкил этади.

2.3. Буюртмачилар қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилаётган хизматлар қийматининг 30 фоиздан кам бўлмаган миқдорда олдиндан тўланиши ва кўрсатилган хизматларнинг тўлиқ ҳисоб-китобини эса календарь ойининг 30 санасига қадар тўлов амалга ошириши шарт.

2.4. ҚМЧ олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловни ҳисоблаш тегишли даврларда амалда бўлган қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматлар учун тарифлар бўйича амалга оширилади.

2.5. Юридик манзил, банк реквизитлари, корхона номлари ёки ҚМЧ ҳажми ўзгарган тақдирда, томонларни 10 кун олдин ёзма равишда огоҳлантириш керак.

2.6. Қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича тегишли бўлмаган сифатидаги ёки белгиланган муддатдан ортиқ узилишлар билан хизматлар кўрсатилганда, ушбу даврда хизматлар учун тўловлар камайтиради.

2.7. Ижрочи томонидан Буюртмачининг ҳаёти, саломатлиги ва мулкига зиён етказилган ҳолатларда етказилган зарар факти қайд этилган далолатнома тузилади, у Ижрочи ва Буюртмачиларнинг вакиллари томонидан имзоланади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Ижрочи куйидаги ҳуқуқларга эга:

Буюртмачи томонидан шартнома шартларини бажармаганлиги учун жарима ёки пеня тўланишини қонун доирасида талаб қилиш.

Ижрочи қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган норматив-ҳуқуқий далолатномаларга ва бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

3.2 Ижрочи куйидагиларга мажбур:

белгиланган муддатларда қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетишни амалга ошириш;

қонунчиликда, мазкур қоидаларда ва шартномада белгиланган шартларга мувофиқ Буюртмачига зарур сифатдаги қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чикиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш;

қонунчиликда ёки шартномада белгиланган муддатларда Буюртмачининг буюртманомаларини бажариш;

қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чикиб кетиш бўйича хизматлар учун электрон тўлов тизимини татбиқ этиш ва реал вақт режимида шахсий ҳисоб варакаларининг ҳолатини кузатиб бориш;

қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чикиб кетиш хизматларининг амалга ошириладиган режими ва сифати бўйича Буюртмачиларнинг мурожаатлари (аризалари, таклифлари, шикоятлари), шунингдек уларнинг ижроси ҳисобини олиб бориш;

Буюртмачининг мурожаатига асосан, алоҳида кўрсатилган нарх бўйича бузилишдан қолган қурилиш чиқиндиларни, грунтни, агротехник ишлардан чиқарилган чиқиндиларни (шоҳ-шаббалар, буталар ва бошқалар), олиб чикиб кетиш учун қушимча транспорт воситасини ажратиш;

чиқинди тўплаш шохобчалари ва контейнерларининг ҳолатини назорат қилиб бориш, уларнинг тегишли ҳолатда бўлишини таъминлаш;

Буюртмачининг мурожаатига асосан, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш учун контейнерларнинг зарур миқдорда бўлишини таъминлаш;

аҳолининг ҳаёти, саломатлиги, шунингдек атроф муҳит учун хавfli бўлган бактерияларнинг ва бошқа зарарли моддаларнинг ривожланишига, чиқиндиларнинг қўлаб тўпланиб қолишига қарши режали ишларни олиб бориш (контейнерлар ва чиқинди тўплаш шохобчаларини дезинфекциялаш ёки ювиб туриш йўли билан);

Тўпланиб қолган чиқиндиларни ҳисобини олиб бориш;

Буюртмачига кўрсатилаётган хизматлар сифати бўйича камчиликларга йул қўймаслик ва уларни бартараф этиш чораларини қўллаш;

Қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб кетиш хизматлари учун тўловлар ҳисоб-китобининг ҳолати, шунингдек кўрсатилган хизматлар учун тўловлар бўйича қарздорларнинг йуқлиги туғрисидаги маълумотларни Истеъмолчига бепул такдим этиш;

Сан ПиНРуз. № 0297-11 биноан чиқиндиларни йиғиш шаҳобчаларини ва қутиларни дезинфекция қилиш;

3.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Шартнома асосида, ўзига зарур бўлган, белгиланган сифатдаги, ҳаёти ва саломатлиги учун хавфсиз булган, мулкига зарар бермайдиган ҳажмдаги хизматлардан фойдаланиш;

Хизматлар кўрсатилаётганда Ижрочи айби билан юзага келган камчиликларнинг бепул бартараф этилишини ва шартномада келишилган миқдорларда жарима ёки пеня (неустойка) тўланишини талаб қилиш;

Ижрочидан қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чикиб кетиш хизматларининг ҳажми ва сифати, уларнинг кўрсатилиши шартлари, хизматлар учун тўлов миқдорларининг ўзгаргани ва тўлов тартиби туғрисидаги ахборотларни олиш, хизматлар учун электрон тўлов тизими орқали тўлаш ва реал вақт режимида шахсий ҳисоб варакаларининг ҳолатини кузатиб бориш;

Ижрочи томонидан шартнома мажбуриятлари сифатсиз бажарилган ҳолларда Ижрочига ёзма ёки телефон орқали шикоятлар такдим этиш ва Ижрочидан хизматлар тўлик кўрсатилмагани фактини тасдиқловчи далолатномани тузишни, шунингдек аниқланган камчиликларнинг белгиланган муддатларда бартараф этилишини талаб қилиш;

Шартномага мувофиқ, вақтинча ишлаб чиқариш ишлари бўлмаган, ҳужжатлар билан тасдиқланган давр ёки шартномада белгиланган тартибда хизматлар кўрсатилмаган давр учун қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чикиб кетиш хизматлари учун ҳақ тўлаш мажбуриятларидан тўлик ёки қисман озод қилиниш;

қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чикиб кетиш хизматлари сифатсиз амалга оширилса, агар Ижрочи ўз вақтида шартномани бажаришга киришмаса ёки сифатсиз хизмат кўрсатса, зарарлар ундирилишини талаб қилиб судга мурожаат этиш.

Буюртмачи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

3.4. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

Хизматлари учун шартнома тузиш ва унинг талабларини бажариш;

ҚМЧ ташланадиган контейнерларни курилиш ва йирик хажмдаги чиқиндилар, шох-шаббалар билан тўлдирмаслик, аксинча, уларни махсус жойга йиғиш ҳамда бу чиқиндиларни ташиб кетиш учун алоҳида шартнома тузиш ва ҳақ тўлаш;

Чиқинди саклаш кутилари жойлашган майдончалар ва чиқинди тўплаш курилмаларига автомашиналарнинг эркин яқинлашишини ва чиқинди кутилларини доимо соз ҳолда саклашни таъминлаш;

ҚМЧни ўз вақтида ташиб чиқиб кетилишини домий назорат қилиш, тасдиқланган йўналиш жадвали бузилган ҳолларда телефонига телефonaграмма йуллаш орқали Ижрочига маълумот бериш;

Бажарилган ишнинг ҳажмини Ижрочининг ҳужжатларида Буюртмачи вакилининг имзоси ва корхона муҳри билан тасдиқлаб бориш;

Ҳар ойнинг бошида ўтган ойда бажарилганиш ҳажмини бажарилганини кўрсатувчи ҳисоб далолатномасини расмийлаштириш;

Ҳар ойда ойнинг охиригача ўтган ойда бажарилган ишларнинг далолатномасига асосан пул маблағларини Ижрочининг ҳисоб рақамига ўтказиш ҳамда режавийиш ҳажмига қараб олдиндан 30 % кам бўлмаган тўловларни амалга ошириш;

Қаттиқ маиший чиқиндиларни кўчаларга, сув йулларига, ариқ ва қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва кўмиб ташлаш учун ажратилмаган жойларга, шунингдек ҳаракатдаги автотранспорт воситасидан йўлаклар ва кўчаларнинг транспорт юрадиган қисмига ташламаслик;

чиқиндиларни корхона ҳудудида ва руҳсат этилмаган жойларда кўмиб ташлашга йул кўймаслик.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Буюртмачи қуйидагиларга жавобгар:

шартнома мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганлиги учун;

ҚМЧни олиб чиқиб кетиш хизматига ўз вақтида тўлов тўламаганлиги учун;

Шартнома шартларига кўра алоҳида белгиланган жойларда йиғилган ҚМЧни олиб чиқиб кетиш хизматини бузганлиги учун;

4.2. Буюртмачи шартномада кўрсатилган муддатдан кечиктирилган ҳар бир куни учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0,4% миқдориди, лекин кечиктирилган тўловнинг 50% дан ошмаган миқдориди, пеня тўлайди.

4.3. Ижрочи қуйидагиларга жавобгар:

кўрсатилаётган хизматларнинг муддатлари ва камчиликларни бартараф этиш муддатлари бузилганлиги аниқланган ҳолатларда;

кўрсатилаётган хизматларнинг муддатлари ва камчиликларни бартараф этиш учун тайинланган жаримани ўз вақтида тўламаганлиги учун;

Ижрочи томонидан кўрсатилаётган хизматлар ёки сифатсиз хизматлар оқибатида ишчиларнинг ҳаётига, соғлиғига ва Буюртмачининг мулкига етказилган зарар учун;

4.4. Ижрочи томонидан хизмат кўрсатилмаса Буюртмачига кечиктирилган ҳар бир куни учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0,5% миқдориди, лекин кечиктирилган тўловнинг 50% дан ошмаган миқдориди, пеня тўлайди. Пеня тўлаш томонларни шартнома шартларини бажаришдан озод этмайди.

5. ШАРТНОМА МУДДАТИ

5.1 Ушбу шартнома Ғазначилик органларидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга кириди ва 2022 йил «31» декабр гача амал қилади.

5.2. Ушбу шартномага оид бўлган Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган тақдирда, томонларнинг розилиги билан шартномага тегишли қўшимча ва ўзгартириш киритиш учун қўшимча шартнома тузиш.

5.3. Шартномани мuddатдан олдин тўхтатмоқчи бўлган томон иккинчи томонни бу ҳақида бир ой олдин ёзма равишда бошқа муносабат билдирмасалар шартнома бекор қилинганга қадар ўз кучини йўқотмаган ҳисобланади.

5.4. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади.

6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

6.2. Томонлар орасида келиб чиққан барча келишмовчилик ва тортишувлар музокаралар йўли билан ҳал этилади. Мазкур шартномадан келиб чиқадиган келишмовчиликлар, томонлар томонидан ҳал этилмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикасида белгиланган қонунчиликга биноан суд орқали ҳал этилади.

7. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

8.

“ИЖРОЧИ”

Жиззах вилоят “Тоза ҳудуд” ДУК
Жиззах шаҳар филиали
Манзил: Жиззах шаҳар, Боғишамол МФЙ
Тоғишамол кўчаси 5-уй
Тел: 72-222-29-24, 72-771-72-81,
+99893-940-75-01
Банк: АЙТБ “Ипотека” банк Жиззах
вилоят бўлими
Ҳисоб рақам: 22604 000 800 782 671 012
МФО: 00122
СТИР: 304938094
ХХТСТ: 90211 ИФУД: 38110

М.Умаралиев

(қотиш, имзо, муҳр)

“БУЮРТМАЧИ”

Жиззах шаҳар халқ таълими бўлими
(ХЮС нинг гулик номи)

Манзил: Жиззах шаҳар Тошлок маҳ-
си Шифокорлар кўчаси №5уй

Тел.: 226-32-58 226-28-30
ШҒХ100022860084017092100075036
Ипотека банк Жиззах филиали
Ташкилотнинг СТИРи_201432889
ИФУТ

Ғазначилик булинма сингноми
Жиззах шаҳар Ғазначилиги
ЯҒХ 23402000300100001010
Банк номи; Марказий банкнинг
тошкент шаҳар Бош бошқармаси
Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)
МФО; 00014

Ғазначилик
булинмасининг СТИРи; 201122919

Буюртмачи

Рахбар

(Рахбар Ф.И.Ш.)

(имзо)

М.Ў

007.
Ф. Мамаева





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
JIZZAX VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI
JIZZAX SHAHAR YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

130100, Jizzax shahar, Sharof Rashidov shox ko'chasi,
tel.: (998 55) 1511573, el.pochta: jizzaxyuridikmarkaz@gmail.com

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi: Shartnoma.
2. Loyihaning nomi: Budget tashkilotlar uchun qattiq maishiy chiqindilarni to'plash va olib chiqib ketish xizmatlari ko'rsatish bo'yicha shartnoma № 06
3. Loyihaning mazmuni: Budget tashkilotlari uchun qattiq maishiy chiqindilarni to'plash va olib chiqib ketish xizmatlari ko'rsatish bo'yicha Jizzax shahar xalq ta'limi bo'limi va "Toza hudud" DUK Jizzax shahar filiali o'rtasida tuzilgan xo'jalik shartnomasi.
4. Loyihani ishlab chiquvchi tashkilot: Jizzax shahar xalq ta'limi bo'limi tomonidan 2022-yil 7-yanvar kuni ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.
5. Loyiha kelib tushgan sana: 2022-yil 8-yanvar.
6. Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti



A. Abdushukurov